

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

ФУРҚАТ ТУМАНИ ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ

БОШЛИФИ  М.Б.ЭРГАШЕВ



Зажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Фурқат тумани-2022

Танлов хужжатларнинг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

Танлов : Фарғона вилояти Фурқат туман тиббнёт бирлашмасига махсус тиббий бланкалар ва тиббий журналлар тайёрлаш ишлари

1.2. Танловнинг юқори қиймати - 35000000 сум без учёта НДС . Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди. Махсулот буйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3 Ишларни бажариш муддати : Ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб иш графиги буйимча.

1.4 Ишларни бошлаш муддати- аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1 Фурқат туман тиббиёт бирлашмаси** (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.
“Буюртмачи” манзили:, Ўзбекистон, Фарғона вилояти Фурқат тумани
- 2.2** Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади
- 2.3** Танлов Фурқат туман тиббиёт бирлашмаси “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгилаианган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1** Танловда мулкчилик шаклидаи катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2** Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги талаблар қўйилади:
- танлов предмет қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;
 - шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;
 - танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
 - ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
 - танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);
 - Низом маблағи миқдори.
 - Молиявий натижалар
 - Ишчи ходимларнинг иш стажи ва махсус лицензияга эга эканлиги
- 3.3** Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

- 3.4** Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

Қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУЙ ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

- 4.1** Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириши лозим.
- 4.2** Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.
- 4.3** Танлов ҳужжатларида қуйилагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қуйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов интирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.4 Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);

- Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдиришлари ва илова қилиниши лозим.

4.5 Танлов иштирокчиси:

-факат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1 Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5- календар кунга узайтириши мумкин.

5.2 Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3 Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1 Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2 Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3 Тайлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1 Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштрок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши ксрак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот

ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2 Тайлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун- моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харнд комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4 Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганда сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

Хайат аъзолари:

Фуркат ТТБ Координатори:

Ф.Уринов



Фуркат ТТБ ҳужалик мудир:

О.Пулатов



Фуркат ТТБ иктисодчиси:

Ш.Маматкулов

